



ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРОЛАР ОЛДИДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Тиллабаева Муаззам Бахтияровна

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети мустақил тадқиқотчиси*

Аннотация: Мақолада Давлат органларининг жамият олдидағи масъуллигини оширишидаги жавобгарлигининг юридик, шу жумладан айрим конституциявий-хуқуқий жиҳатлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии тизимида конституциявий-хуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш билан бөглиқ қонунчиликда тақомиллаштирилзилик лозим бўлган томонлари шу билан бирга, ижтимоий нормалар ижтимоий хулқ-автор қоидалари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: хукумат, инсон хуқуқлари, конститутциявий принциплар, ваколат ва мажбуриятлар, конститутциявий санкциялар, оммавий-хуқуқий функциялар, чекловлар, коллегиал жавобгарлик, сиёсиy партиялар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жамият ва фуқаролар олдидағи масъуллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларига асосланади. Бундай принциплар қаторига қуйидагилар таалуқлидир: Ўзбекистон демократик давлат; давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади; давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар; халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи; Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади; Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Хукуматнинг халқ манфаатидан келиб чиқиб иш кўриши гояси Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддаси 21-қисмидаги ҳам кўзда тутилган бўлиб унга кўра халқ иродаси хукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган¹.

Мазкур конституциявий принциплар Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти бевосита жамият ва фуқаро манфаатларига қаратилиши, улардан келиб чиқиши ва асосланиши, уларни ифода этиши, таъминлаши ва ўз фаолиятининг натижаларига кўра авваламбор давлат ҳокимиятининг



бирдан бир манбаи бўлган халқ олдида масъуллигини билдиради ва белгилайди².

Шу ўринда, Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятида халқ ва фуқаролар манфаатлари ифода этилишининг таъминоти ва бундаги масъуллиги ошиши нафақат унинг ҳуқуқий мақомида тегишли ҳуқуқ, ваколат ва мажбуриятлари белгиланиши билан ифодаланади, балки унинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлиги аниқ мустаҳкамланиши ва унга нисбатан бундай жавобгарликни кўллаш асосида таъсир кўрсатилишини ҳам тақоза этади. Бу каби комплекс ёндашуви орқали Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятида асосий самара сифатида натижадорликка эришиш мумкин бўлади. Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлиги коллегиал ва якка тартиbdagi жавобгарлик шаклларига асосланади. Бунда коллегиал шаклда Вазирлар Маҳкамаси тўла таркибда жавобгар бўлади, шахсий шаклда эса унинг таркибини ташкил этувчи аъзоларининг ҳар бири алоҳида ўз фаолияти натижалари учун жавобгар бўлишини билдиради.

Мазкур масала юзасидан М.Ю.Выскребенцеванинг олий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъуллигини, парламент назоратининг самарали механизми мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги хақидаги фикрига қўшилиш мумкин³.

Шунингдек, Р.Р.Хакимов қуйидаги тўғри фикрни билдиради: “Ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар фаол иштирок этар экан, ушбу фаолиятнинг акси сифатида ҳукуматнинг парламент олдидаги сиёсий жавобгарлиги муҳим аҳамият касб этади”⁴. Аммо, қонунчиликда Вазирлар Маҳкамасининг халқ олдидаги тўғридан-тўғри жавобгарлигининг конституциявий асослари белгиланмаган. Халқнинг Вазирлар Маҳкамасини жавобгарликка тортиш шакли у томонидан бевосита сайловлар орқали шакллантирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли маҳсус ваколатлари билан амалга оширилади. Бу дегани Вазирлар Маҳкамасининг халқ олдидаги масъуллиги бевосита эмас, балки билвосита демократия орқали вакиллик давлат ҳокимияти органлари ваколатлари асосида таъминланиб борилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жавобгарлиги учун асослар рўйхати белгиланмаган. Конституция нормаларида факат қўллаш субъекти ва тегишли санкциялар мавжуд. Хусусан, булар қаторида қуйидаги жавобгарлик чораларини келтириш мумкин: Конституциянинг 119-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан истеъфога чиқиши, Қонунчилик палатаси томонидан ишончсизлик вотумининг билдирилиши. Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси билан ҳам тартибга солинган⁵.

59

² Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти: 12.00.01.-Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: юридик фан. док. илмий даража. олиш учун ёзилган диссер. Автореферати. -Т., 2010. – Б. 21.

³ Выскребенцева М.Ю. Коллегиальная (коллективная) ответственность правительства // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. 2014. № 11-2 (49). С. 53.

⁴ Хакимов. Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. - Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти - Тошкент.: 2012. – Б. 95.

⁵ “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда.



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидаги учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қиласиди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коллегиал тартибда конституциявий-хуқуқий жавобгарликка тортишдан ташқари якка тартибдаги жавобгарлиги унинг аъзоларига қаратилади.

Бундан ташқари, интерпеляция процедурасининг натижалари парламент текширувининг комиссиясини тузишга ёки бутун хукumatга ишончсизлик билдиришга олиб келиши мумкин. Шунингдек ўз асосларига кўра бу каби жавобгарлик асослари сиёсий жавобгарлик турига таалуқли.

Ўз навбатида, хорижий мамлакатларининг тажрибасига кўра интерпеляция институти энг ишончли ва кўпинча парламент назоратини амалга оширишдаги ягона восита ролини ўтайди, шунингдек хукumat фаолиятига нисбатан оммавий тартибда норозиликни билдиришга хизмат қиласиди. А.В.Чепуновнинг таъкидлашича: “Европада хукumatнинг парламент олдидаги сиёсий масъулияти, қоида тариқасида, резолюция – танбех ёки ишончсизлик вотуми, шунингдек, йиллик ҳисобот ёки парламентда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган масалалар асосида хукumatга ишонч билдирилмаслик шаклида ифодаланади”⁶.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Европа мамлакатларида хукumat масъулиятининг доминант тури сиёсий жавобгарлик бўлиб, у бошқарув шаклига қараб парламент ёки президент томонидан қўлланилиши мумкин, лекин мамлакатдаги сиёсий вазиятга мувофиқ белгиланади.

Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, парламент назорати фаолиятининг муҳим жиҳати, хукumatга нисбатан ишончсизлик вотумини эълон қилиш орқали хукumatни парламент олдидаги масъуллигини таъминлашдадир. Шу ўринда, Европа мамлакатлари конституцияларида хукumatни парламент томонидан жавобгарликка тортиш учун асослар кўпинча белгиланмаган. В.А.Виноградов бу ҳақда фикр юритар экан, хукumatга бўлган ишончни йўқотилиши хукumatнинг конституциявий-хуқуқий жавобгарлиги асосини ташкил этади деб эътироф этмоқда⁷.

Бу фикрни давом эттириб А.Н.Шеян таъкидлайдики, бундай вазиятдаги хукumatни парламент олдидаги жавобгарлиги конституциявий-сиёсий жавобгарликнинг турларидан бири бўлиб, у хукumatни шакллантирувчи органлар томонидан олиб борилаётган сиёсий

60

⁶ Чепус А.В. Конституционно-правовая ответственность исполнительной власти в России и странах Европы // Актуальные проблемы российского права. 2015. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konstitutsionno-pravovaya-otvetstvennost-ispolnitelnoy-vlasti-v-rossii-i-stranah-evropy>

⁷ Виноградов В.А. Конституционно-правовая ответственность членов правительства // Конституционное и муниципальное право. 2004. №5. С.22.



йўлдан оғишганлик учун юзага келади⁸. Бу, бир томондан, ҳукуматнинг масъулият даражасини кенгайтирса, иккинчи томондан, давлат раҳбари ва парламентга ҳукумат фаолияти мазмунига мослашувчан таъсир кўрсатиш, истеъфога чиқиши қўллаш ёки ҳатто у билан ҳукуматга таҳдид қилиш имконини беради.

Яна шуни та’кидлаб ўтиш жоизки, фуқоролар олдидаги конституциявий-хуқуқий жавобгарлик жойларда, вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқараётганга хам юклатилади. Хусусан, ҳоким ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган хужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, ахолини ўз худудини бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Шуларга асосан таъкидлаш жоизки, ҳокимнинг маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбари сифатидаги конституциявий-хуқуқий жавобгарлигининг ўзига хос хусусияти уни бир вақтнинг ўзида ижро ва вакиллик ҳокимияти бошлиғи мақомига эга эканлигига, шунингдек ҳокимни тегишли халқ депутатлари Кенгashi депутатлари орасидан тайинланиши ва тасдиқланишидадир. Аммо ҳоким мансабига эга бўлган шахс ишончни йўқотиши натижасида конституциявий-хуқуқий жавобгарликка тортилиши асосларига кўра ҳокимлик лавозимидан озод қилиниши ҳолатда у депутатлик мақомида қолиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ижроия органларининг жамият ва фуқаролар олдидаги конституциявий-хуқуқий жавобгарлиги масалаларининг тадқиқ қилиниши натижасида қўйидаги хulosаларга келиш мумкин: Вазирлар Маҳкамасининг халқ олдида жавобгарлигини янада кучайтиришда Ўзбекистон конституциявий амалиёти томонидан кўплаб механизмлар (институтлар) қабул қилиниши мумкин, масалан: қабул қилинган қарорлар учун парламент томонидан ишончсизлик вотуми шаклида ифодаланган вазирларнинг индивидуал жавобгарлиги (Австрия, Полша, Греция); ҳукумат аъзосининг ноконуний хатти-харакатлари учун истеъфога чиқиши билан боғлиқ танбех резолюцияси институти (Германия) кабилар шулар жумласидан. Шунинг билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимларидан озод қилиш бўйича қарорлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши лозимлиги борасидаги тартибни қонунчиликка жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда ҳокимларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласи конституциявий тузумнинг элементларидан бири бўлганллиги учун уни Конституция даражасида белгилаб қўйиш керак.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти, 2023.- 80 б.



2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни, 1991 йил 15 февраль // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 76-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимиияти тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9-сон, 320-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон, 193-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири), 2001 йил 30 август // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 176-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири), 2001 йил 29 август // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.